

## **“Урганчкорммаш” АЖ акциядорлари диққатига!**

Ҳурматли акциядорлар, “Урганчкорммаш” АЖ акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши 30.09.2020 й. соат 11:00 да, Урганч ш., Хонқа кўчаси 26-уйда ўтказилиши тўғрисида хабардор қиламиз.

### **Кун тартиби:**

1. Акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш.
2. Санок комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.
3. Жамиятнинг 2019 йил якунлари бўйича йиллик ҳисоботини тасдиқлаш.
4. Жамиятнинг 2019 йил якунлари бўйича бухгалтерия баланси ҳамда фойда ва зарарлари тўғрисидаги ҳисоботини тасдиқлаш.
5. Жамият Кузатув кенгашининг ва тафтиш комиссиясининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан Жамият кузатув кенгашининг ҳисоботини ва тафтиш комиссиясининг хулосаларини эшитиш.
6. Жамиятнинг 2019 йил якуни бўйича аудитор ташкилотнинг аудит хулосасини кўриб чиқиш
7. Жамиятнинг 2019 йил молиявий-хўжалик фаолияти якуни бўйича олган соф фойдасини тақсимлаш ва 2019 йил якуни бўйича йиллик дивидендларни тўлаш, дивиденднинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартибини тасдиқлаш.
8. Жамият Кузатув кенгаши, ижро органи ва тафтиш комиссияси аъзоларига 2019 йил фаолияти учун тўланадиган рағбатлантириш ва ўз вазифаларини бажариш билан боглик харажатларнинг урни коплаш миқдорини белгилаш.
9. Жамиятнинг 2020 йил учун бизнес-режасини тасдиқлаш.
10. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.
11. Жамият Тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш.
12. Жамият ижроия органини сайлаш.
13. Жамиятнинг 2020 йилдаги молиявий-хўжалик фаолиятини аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш.
14. Жамиятнинг аффилланган шахслари билан келгусида жамият тамонидан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик Умумий йиғилишигача бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган битимларни маъқуллаш.
15. Жамият балансидаги жисмонан ва маънан эскирган фойдалилмаётган транспорт воситалари ва ускуналарни биржа оркали сотиш ёки сотилмаган тақдирда белгиланган тартибда ҳисобдан чиқаришга рухсат бериш.

Умумий йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхати жорий йилнинг 26 сентябрь ҳолатига тузилади.

Йиғилишда кўриладиган масалалар бўйича акциядорларга тақдим этиладиган материаллар билан танишиш ёки маълумот олиш учун қуйидаги манзил/электрон почта манзили ёки телефон рақамларига мурожаат этишингиз мумкин:

Урганч шаҳри, Хонқа кўчаси 26-уй

e-mail: [oaoukm\\_uz@mail.ru](mailto:oaoukm_uz@mail.ru)

Тел: 0 (362) 227-44-06, 0 (362) 227-43-01

Йиғилишда қатнашадиган акциядорлар ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжат ва ишончли вакиллар ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома билан келишлари сўралади.